

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2026 йил март ойининг 16 куни, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Арсланов, халқ маслаҳатчилари Д.Суюнов ва Т.Шариповлардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси А.Тилавовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Тураев, судланувчи Х.Имамов ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Рахмоновларнинг иштирокида, Имамов Худойдод Умед ўғлига нисбатан 1-1401-2605/221-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Имамов Худойдод Умед ўғли** (Imatov Xudoydod Umed o'g'li), 2002 йил 14 декабрь куни Самарқанд шаҳрида туғилган, миллати лўли, ўзбек тилини мукамал билади, таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Самарқанд шаҳри, “Фидойилар” МФЙ, “Ғиждувон” кўчаси, 22-уйда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2025 йил 18 декабрь кунидан буён қамокда, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 5 февраль куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

### **А Н И Қ Л А Д И:**

*Судланувчи* Имамов Худойдод Умед ўғли - бирор-бир фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланмасдан, 2025 йилнинг декабрь ойининг бошларида дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахсдан келгусида сотиш мақсадида, номаълум манзилда қўлга киритган “героин” гиёҳвандлик моддасини Самарқанд шаҳри худудида яшаб келган гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи шахсларга қонунга хилоф равишда сотиб келгани юзасидан Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 7-сонли ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан “Соғлом ва хавфсиз юрт” ва “Қорадори-2025” тезкор профилактик тадбирларининг 3-босқичини ўтказиш давомида олиб борилган тезкор суриштирув ҳаракатлари давомида олинган тезкор маълумотлар асосида, 2025 йил 17 декабрь куни соат 20:30 да, Самарқанд шаҳри, “Сўзангарон”



махалласи ҳудудида “назорат остида сотиб олиш” тезкор тадбирини ўтказиш жараёнида, тезкор тадбирга шартли харидор сифатида жалб қилинган “Макс” исмли шахсга 400.000 сўм пуллар эвазига 2 дона алоҳида-алоҳида целофан бўлақларига қадоқланган умумий оғирлиги 0,24 грамм жуда кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик моддасини сотган вақтида ашёвий далиллар билан жиноят устида ушланиб, ашёвий далиллар ҳолислар иштирокида тегишли тартибда хужжатлаштирилиб олинган.

Самарқанд вилояти ИИБ эксперт криминалистика марказининг 22.12.2025 йилдаги 1849-сонли “судга оид кимёвий” экспертиза хулосасида, Х.Имамовдан назорат тартибида сотиб олинган 2 дона целофан бўлақларига алоҳида-алоҳида қадоқланган оч-сарғиш рангли, тошчасимон ва кукунсимон кўринишдаги модда таркибида гиёҳванд модда-диацетилморфин модда мавжуд бўлиб, бу модда “героин” гиёҳвандлик моддаси турига киришлиги, “героин” гиёҳвандлик моддасининг умумий соф оғирлиги 0,24 граммга тенг эканлиги;

-1850-сонли хулосасида, экспертизага тақдим этилган қиймати 100.000 сўм купюрасини олди ва орқа томонларини юза қисмларида оч-яшил рангдаги махсус кимёвий кукун моддаси излари мавжудлиги. 1 дона 100.000 сўмлик купюрасини олди томонига махсус люминецент номли кимёвий қалам билан “273” сони оч-яшил рангда ёзилган бўлиб, бу сўзлар намуна сифатида тақдим қилинган махсус люминецент номли кимёвий қалам билан ёзилганлиги, Х.Имамовнинг ўнг ва чап қўлларидан суртма олинган пахта тампонларини юза қисмида оч-яшил рангдаги махсус кимёвий кукун моддаси излари мавжудлиги аниқланган.

Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг наркология хизмати бўйича Самарқанд вилояти филиали экспертнинг 19.12.2025 йилдаги 1151-сонли “судга оид наркология” экспертиза хулосасида, Х.Имамовда “опийли” гиёҳвандлик (героин) белгилари мавжудлиги ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасида кўрсатилган мажбурий даволаш чораларига муҳтож эканлиги кўрсатилган.

Судда сўралган судланувчи Имамов Худойдод Умед ўғли ўз кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлиги, 2025 йил декабрь ойининг бошларида “Азиз” исмли танишидан ўз истеъмоли учун 500.000 сўмга “героин” олиб, бир қисмини дастлаб тутатиш йўли билан, кейин эса шприц орқали истеъмол қилганлиги, 2025 йил 17 декабрь куни кечга яқин “Жони ош”дан чиқиб кетаётганида унга олдиндан таниш бўлган “Макс” кўнғироқ қилиб, ундан истеъмоли учун “героин” сўраганлиги, соат 20:30 ларда, таксида Самарқанд шаҳри, “Сўзангарон” маҳалласидаги “Макс”ни уйини яқинига борганлиги, такси кутиб турганлиги, шунда “Макс” унга 400.000 сўм пул берганлиги, у аввал кўрқиб орқага қайтганлиги, атрофда ҳеч ким йўқлигини кўриб “Макс”ни уйига киришганлиги, унга ёнида бўлган 2 дона алоҳида-алоҳида целофан бўлақларига қадоқланган “героин”ни берганлиги, оғирлигини ўлчамаганлиги, истеъмол қилганидан сўнг қолгани бўлганлиги, шунда ИИБ ходимлари келиб, уни ушлаб, тадбир



ўтказилаётганлигини маълум қилишганлиги, уларга 400.000 сўм пулларни топширганлиги, ИИБ ходимлари холисларнинг иштирокида “героин” ва пулларни расмийлаштириб олишганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, турмуш ўртоғи ва кекса ёшли онаси борлигини инобатга олиб, унга нисбатан қамок билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаб, бир мартаба имконият беришни сўради.

Судда, судланувчи Х.Имамов содир этган жиноятига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, бундан ташқари унинг айби қуйидаги далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан;

Судда гувоҳ тариқасида сўралган Мухаммадиев Маъруф Зариповичнинг, Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 7-сонли ИИБ ТҚХ ЖҚБда катта тезкор вакил лавозимида ишлашлиги, 2025 йил 17 декабрь куни “Макс” исмли шахснинг аризасига асосан тадбир режалаштиришганлиги, “Макс”га гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш учун 10 дона 100.000 сўмлик купюралардан иборат бўлган жами 1.000.000 сўм холисларнинг иштирокида 1 дона пулга ишлов берилиб, баённома орқали топширилганлиги, соат 20:30 ларда, “Макс”ни уйига боришганлиги, у ерда кейин билишича судланувчи Имамов Худойдодни олиб келган “Спарк” русумли машина ҳим турган бўлганлиги, машинани йўлини тўсиб, холислар билан бирга “Макс”ни уйига киришганларида Х.Имамовни жиноят устида ушлашганлиги, унга ўзларини таништириб, тадбир ўтказилаётганлигини маълум қилиб, ҳолат юзасидан сўралганда у 400.000 сўм эвазига таниши “Макс”га 2 дона целофанга солинган “героин”ни берганлигини билдириб, ўз ихтиёри билан пулларни чиқариб берганлиги, пулларни текширишганида тадбирни пуллари эканлиги аниқланганлиги, сўнг Х.Имамовдан пул, “Макс”дан эса “героин” гиёҳвандлик моддаси холисларнинг иштирокида ҳужжатлаштириб олинганлиги, уларда Х.Имамов “Саид” исмли таҳаллус билан гиёҳвандлик воситаларини олди-сотдиси билан шуғулланиши хусусида тезкор маълумотлар бўлганлиги, “героин” тахминан 2 чекда бўлганлиги, “Макс” Х.Имамовга пулни кўчада узатганлиги, гиёҳвандлик воситасини эса Х.Имамов “Макс”ни уйини ичида берганлиги ҳақидаги;

Судда гувоҳ тариқасида сўралган Жабборов Парвиз Илхомжон ўғлининг, 2025 йил 17 декабрь куни соат 19:30 ларда, Самарқанд шаҳри, “Регистон” маҳалласи ҳудудида юрганида олдиға икки нафар фуқаролик кийимида бўлган шахслар келишиб, ўзларини Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 7-сон ИИБ ЖҚБ ходимлари деб таништиришиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашганлиги, вақти бўлганлиги сабабли, рози бўлганлиги, кейин 7-сон ИИБдаги хизмат хоналардан бирига боришганлиги, у ерда яна бир нафар холис киши бўлганлиги, уларга холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришганлиги, у ерда “Макс” исмли бир фуқаро ҳам бўлганлиги, ИИБ ходимлари “Макс” ариза билан муурожаат қилиб, Самарқанд шаҳри, “Фидойилар” МФЙда яшовчи “Худойдод”



исмли шахс ноқонуний равишда “героин” гиёҳвандлик моддасини сотиш фаолияти билан шуғулланиб келаётганини маълум қилганлигини айтиб, ушбу шахсни жиноий фаолиятига чек қўйишлик учун ўтказиладиган тезкор тадбирда иштирок этиб беришга розилигини айтишганлиги, “Макс” исмли шахсга “Худойдод” исмли шахсдан гиёҳвандлик воситасини сотиб олиши учун 1.000.000 сўм, 100.000 сўмлик купюрадан иборат пуллар берилиб, 1 та пулга кимёвий ишлов берилганлиги, баённома расмийлаштирилганлиги, пулларнинг ксеронусхалари олинганлиги, “Макс” “Худойдод” исмли шахс билан телефонда гаплашиб, учрашишга келишишганлиги, ИИБ ходимлари билан бирга Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 7-сон ИИБ биносидан чиқиб, келишилган манзилга боришганлиги, “Макс” машинадан тушиб, лўли миллатига мансуб бўлган бир бола, яъни кейин билишларича Худойдод билан учрашганлиги, “Макс” ИИБ ходимларига пулни берганлигини, лекин моддани олмаганлиги ҳақида хабар берганлиги, кейин тадбир давом эттирилганлиги, “Макс” билан “Худойдод” “Спарк” машинасини чақириб, бирга “Макс”ни уйи томонга кетишганлиги, улар ҳам ортларидан кузатишганлиги, Самарқанд шаҳри, “Х.Юсуфий” кўчасига қадар боришганлиги, иккаласи “Спарк”дан тушишганлиги, Худойдод “Спарк” ҳайдовчисига йў ҳақи эвазига 100.000 сўм берганлиги, “Макс” ИИБ ходимларига “Худойдод”дан гиёҳвандлик моддасини олгани ҳақида ишора берганлиги, сўнг ИИБ ходимлари “Худойдод”ни жиноят устида “Макс”ни уйида ушлашганлиги, унга тезкор тадбир ўтказиладиганлигини маълум қилиб, пулларни сўрашганлиги, Худойдод 400.000 сўм эвазига 2 дона целофанга солинган “героин”ни “Макс”га сотганлигини маълум қилиб, пулларни чиқариб берганлиги, ИИБ ходимлари “Спарк” машинасини ҳайдовчисини чақириб, Худойдод берган пулларни олишганлиги, “героин” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш нарса “Макс”дан, пуллар Худойдоддан уларнинг иштирокида расмийлаштирилиб олинганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида мавжуд бўлган ариза, назорат тартибида гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш тадбири учун тадбир иштирокчисига пул бериш, далилий ашёни олиш ва кўздан кечириш, тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш баённомалари, судга оид кимёвий, наркология экспертиза хулосалари, нарсаларни ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор ҳамда бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топади.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Имамовнинг “2025 йил 17 декабрь куни соат 20:30 да, Самарқанд шаҳри, “Сўзангарон” маҳалласи худудида “назорат остида сотиб олиш” тезкор тадбирини ўтказиш жараёнида, тезкор тадбирга шартли харидор сифатида жалб қилинган “Макс” исмли шахсга 400.000 сўм пуллар эвазига 2 дона алоҳида-алоҳида целофан бўлақларига қадокланган умумий оғирлиги 0,24 грамм жуда кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик моддасини сотганликда” ифодаланган



ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Х.Имамовнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли мақсадда содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Х.Имамовга нисбатан жазо тури ва меъерини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, судланмаганлигини, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” - деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятни аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солишини, оилавий муносабатларга салбий таъсирини ҳисобга олиб, унинг хулқини жамиятдан ажратмаган ҳолда тузатиш имкони йўқ деган қатъий фикрга келиб, эълон қилинган айблов эпизоди бўйича ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, ёшини, муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзанди, турмуш ўртоғи ва кекса ёшли онаси борлиги, оилада ягона боқувчи эканлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида кўзда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроғини тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, гиёҳвандлик воситасини тури ва миқдорини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олишни, қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни, тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни;

-Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий амалий тиббий марказининг наркология хизмати бўйича Самарқанд вилояти филиалининг 2025 йил 19 декабрь кунги амбулатор экспертизасининг 1151-сонли далолатномасида, Х.Имамовда “опий”ли гиёҳвандлик (героин) белгилари мавжудлиги ҳамда ЖКнинг 96-моддасида кўзда тутилган гиёҳвандликдан тиббий



йўсинда мажбурий даволаниш чораларига муҳтожлиги боис, унга жазони ўташ жойларида мажбурий даволаниш чораларини қўллашни белгилашни;

-ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, иш бўйича ёзма ашёвий далил деб топилган - тадбирга ишлатиш учун пул бериш, шахсий тинтув қилиш, далилий ашёни олиш баённомалари ва унга илова қилинган фотосуратлар, судга оид кимёвий, наркология экспертизаларининг хулосалари жиноят ишига қўшилганлигини инобатга олишни, ашёвий далил деб эътироф этилган - ДХХ Самарқанд вилоят бошқармасида сақланаётган, жами 0,2 грамм “героин” гиёҳвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилишни, Х.Имамовдан расмийлаштириб олинган 100.000 сўм тадбир пуллари тергов давомида тилхат орқали Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 7-сонли ИИБ ТҚХ ЖҚБ катта тезкор вакили М.Мухаммадиевга қайтарилганлигини инобатга олишни, 1 дона “CD” дискни иш ҳужжатлари билан бирга сақлашни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

Судланувчи **Имамов Худойдод Умед ўғли** (Imamov Xudoydod Umed o'g'li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 6 (олти) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин ва жазони ўташ муддати 2025 йил 18 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Д.Имамовга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида, судланувчи Х.Имамовга жазони ўташ жойларида гиёҳвандликдан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, иш бўйича ёзма ашёвий далил деб топилган - тадбирга ишлатиш учун пул бериш, шахсий тинтув қилиш, далилий ашёни олиш баённомалари ва унга илова қилинган фотосуратлар, судга оид кимёвий, наркология экспертизаларининг хулосалари жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин. Ашёвий далил деб эътироф этилган - ДХХ Самарқанд вилоят бошқармасида сақланаётган, жами 0,2 грамм “героин” гиёҳвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилинсин. Х.Имамовдан расмийлаштириб олинган 100.000 сўм тадбир пуллари тергов давомида тилхат орқали Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 7-сонли ИИБ ТҚХ ЖҚБ катта тезкор вакили М.Мухаммадиевга қайтарилганлиги инобатга олинсин. 1 дона “CD” диск иш ҳужжатлари билан бирга сақлансин.



Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида ушбу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят беришга ёки прокурор эса протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи судья:**

**Халқ маслаҳатчилари:**

**Ж.Арсланов**

**Д.Суюнов**

**Т.Шарипов**

**Нусхаси аслига тўғри**



Хужжат имзоланган: Арсланов Жахонгир Юлдашович, 16.03.2026

